

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT BOJXHONA QUMITASI  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGINING  
QARORI

**679** «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2156-1*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 апрелдаги 106-сон «Ўзбекистон Республикасида товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) шартлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 16-сон, 217-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2010 йил 28 октябрдаги 01-02/12-8, 20-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2156, 2010 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 47-сон, 439-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**3. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 8 ноябрь,  
01-02/12-28-сон

**Ички ишлар вазири**

**Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 8 ноябрь,  
35-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар  
вазирлигининг 2013 йил 8 ноябрдаги  
01-02/12-28, 35-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган  
транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш  
ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий  
Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхат-  
га олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги  
қарорга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорда:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»;

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.».

2. Низомда:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган автотранспорт  
воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ»;**

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда), Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишля-

ри, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги, 1997 йил 26 майдаги 256-сон «Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида»ги ва 2013 йил 13 апрелдаги 106-сон «Ўзбекистон Республикасида товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) шартлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 16-сон, 217-модда) қарорларига мувофиқ божхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартибини белгилайди.»;

в) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Автотранспорт воситалари божхона чегарасидан олиб ўтилаётганда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси (кейинги ўринларда давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари деб юритилади) божхона постларида божхона расмийлаштирувидан ўтказилади.»;

г) 2-бандда:

иккинчи — еттинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**автотранспорт воситалари** — йўловчилар, багаж, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар ҳамда мототранспорт воситалари; **товар сифатида олиб кирилаётган автотранспорт воситалари** — хорижий давлатларнинг рўйхатга олиш идораларида рўйхатдан чиқарилган ёки рўйхатида бўлмаган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган автотранспорт воситалари;

**хорижий автотранспорт воситалари** — хорижий давлатларнинг рўйхатга олиш идораларида рўйхатда турган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига:

чет эл фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига доимий яшаш жойига эга бўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш;

юклар ва йўловчиларни халқаро ташиш мақсадларида вақтинча олиб кириладиган автотранспорт воситалари;

**автотранспорт воситасининг эгаси** — автотранспорт воситасининг мулкдори ёки қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва доирада автотранспорт воситасига эгалик қилувчи ёки ундан фойдаланувчи ёхуд уни тасарруф этувчи фуқаро ёки юридик шахс;»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

**товар сифатида олиб чиқиладиган автотранспорт воситалари** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг (кейинги ўринларда ДЙХХХ деб юритилади) ҳудудий органларида рўйхатдан чиқарилган ёки рўйхатида бўлмаган хорижий давлатга олиб чиқиладиган автотранспорт воситалари;

**товар сифатида транзит олиб ўтилаётган автотранспорт воситалари** — хорижий давлатларнинг рўйхатга олиш идораларида рўйхатдан чиқарилган ёки рўйхатида бўлмаган хорижий давлатга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит олиб ўтилаётган автотранспорт воситалари;

**Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситалари** — ДЙХХХнинг ҳудудий органларида рўйхатда турган ва хорижий давлатлар ҳудудига:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш;

юклар ва йўловчиларни халқаро ташиш мақсадларида вақтинча олиб чиқиладиган автотранспорт воситалари.»;

д) қуйидаги мазмундаги 2<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«2<sup>1</sup>. Мазкур Низом талаблари қуйидагиларга татбиқ қилинмайди:

анклавларда рўйхатга олинган шахслар томонидан айнан шу ерда фойдаланиш мақсадида олиб кирилаётган/чиқилаётган автотранспорт воситаларига;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бошқа давлатларнинг объектларида фаолият кўрсатувчи шахслар бошқарувидаги автотранспорт воситаларига;

хорижий давлат ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикасининг объектларида фаолият кўрсатувчи шахслар бошқарувидаги автотранспорт воситаларига;

хорижий давлатлар дипломатик ва консуллик ваколатхоналарининг ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш учун мўлжалланган, шунингдек ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик агентлари ҳамда маъмурий-техник ходимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган уларнинг оила аъзолари томонидан шахсий фойдаланиш учун олиб келинадиган автотранспорт воситаларига.»;

е) II — V боблар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«II. Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган хорижий автотранспорт воситасининг божхона расмийлаштируви ва назорати**

3. Хорижий автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикасига киришида кириш божхона пости ходими томонидан мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган шаклда «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» расмийлаштирилади.

4. Хорижий автотранспорт воситасининг кириш ва чиқиш божхона постлари оралигида тиркамаси ёки ярим тиркамаси алмаштирилмайдиган ҳолларда, унга мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган шаклда «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» расмийлаштирилади.

Тиркамаси ёки ярим тиркамаси алмаштириладиган ҳолларда хорижий автотранспорт воситасининг юк тортгичига мазкур Низомнинг 2-иловасида, тиркамасига ёки ярим тиркамасига мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган шаклда «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» расмийлаштирилади.

5. «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» автотранспорт воситаси божхона бождари ва солиқлардан тўлиқ озод этилган муддатга расмийлаштирилади.

6. «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома»ни расмийлаштириш учун хорижий автотранспорт воситасининг эгаси (ҳайдовчиси) томонидан тақдим этилган фуқаролик паспорти, автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси ва оғзаки маълумотлар асос бўлади.

7. «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» «Авто» ЯААТ дастури орқали икки нусхада кириш божхона пости ходими томонидан чоп этилади.

«Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома»нинг биринчи нусхаси кириш божхона пости иш юритувида қолади, иккинчи нусхаси эса хорижий автотранспорт воситасининг эгасига (ҳайдовчисига) берилади.

8. Хорижий автотранспорт воситасининг эгаси (ҳайдовчиси) «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома»да акс эттирилган маълумотларни текшириб чиқади, тўғрилигини ўз имзоси билан тасдиқлайди ва автотранспорт воситасини белгиланган муддатда Ўзбекистон Республикасидан қайтариб олиб чиқиб кетиш мажбуриятини олади.

9. Кириш божхона пости ходими ўз имзоси ва шахсий муҳрини қўйиш орқали «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома»ни расмийлаштиради.

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий автотранспорт воситасидан фойдаланишда унинг эгаси (ҳайдовчиси) доимий равишда ўзи билан бирга «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома»ни олиб юриши шарт.

11. Хорижий автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикасидан қайтариб олиб чиқилишида унинг эгаси (ҳайдовчиси) томонидан чиқиш божхона постига «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» тақдим этилади.

12. Чиқиш божхона пости ходими ўз имзоси ва шахсий муҳрини қўйиш орқали «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома»ни назоратдан ечади.

13. Хорижий автотранспорт воситасига мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклда «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» расмийлаштирилиб, унинг тиркамаси ёки ярим тиркамаси республика ҳудудида алмаштириладиган ҳолларда «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» ТИФ божхона постида назоратдан ечилиб, мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловаларида кел-

тирилган шаклда янги «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» расмийлаштирилади.

14. Аввал расмийлаштирилган ва назоратда қолиб кетган «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома»си мавжуд бўлган автотранспорт воситасига масалага ойдинлик киритилгунга қадар янги «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» расмийлаштирилмайди ва назоратдан ечилмайди.

15. Хорижий автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир йил мобайнида умумий ҳисобда уч ойгача божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод этилган ҳолда бўлиши мумкин, халқаро юк ва йўловчи ташишда қўлланиладиган автотранспорт воситаси бундан мустасно.

Халқаро юк ва йўловчи ташишда қўлланиладиган хорижий автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт операцияларини амалга ошириш муддатида, лекин уч ойдан кўп бўлмаган муддатга божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод қилган ҳолда бўлиши мумкин.

16. Бир йил давомида божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод этилган муддат ўтгандан сўнг хорижий автотранспорт воситасини Ўзбекистон Республикасига олиб кирилишида ушбу автотранспорт воситасига товар сифатида олиб кирилатган деб қаралади.

17. Мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган муддатлар тугагандан сўнг, хорижий автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши ёки даврий божхона тўловлари тўланган ҳолда «вақтинча олиб кириш» режимига ёхуд бошқа божхона режимига расмийлаштирилиши лозим.

18. Мазкур Низомнинг 17-банди талаблари бажарилмаган ҳолларда хорижий автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиб кетиш муддати ўтган ҳар бир кун учун двигатель ҳажмининг ҳар куб. сантиметридан — 0,01 АҚШ доллари миқдорига йиғим ундирилади, халқаро юк ва йўловчи ташишда қўлланиладиган автотранспорт воситаси бундан мустасно.

19. Йиғим:

АҚШ долларида ҳисобланади;

миллий валюта — сўмда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан уларни тўлаш кунда белгиланган курс бўйича тўланади;

божхона постида ёки давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари томонидан ундирилади ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади;

банк квитанцияси асосида кирим қилинади.

20. Хорижий автотранспорт воситасини олиб чиқиш муддатини бузганлик учун тегишли чора кўрилиб, йиғим тўлиқ ундирилгунга қадар автотранспорт воситаси давлат божхона хизматининг ҳудудий органи ёки божхона пости томонидан вақтинча ушлаб турилади. Автотранспорт воситаси вақтинча ушлаб турилган давр учун йиғим ҳисобланмайди ва ундирилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларининг қарорларига асосан автотранспорт воситаси ёки унинг эгаси (ҳайдовчиси) вақтинча ушлаб

турилган давр учун ҳам йиғим ундирилмайди. Бунда божхона постига автотранспорт воситаси ёки унинг эгаси (ҳайдовчиси) ваколатли органлар томонидан ушлаб турилган муддатни тасдиқловчи тегишли давлат органи томонидан тасдиқланган ҳужжатни тақдим этиши лозим.

21. Белгиланган муддатда республика ҳудудидан қайтариб олиб чиқилмаган хорижий автотранспорт воситалари тўғрисида ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар қайтариб олиб чиқиш муддатидан 5 кундан ортиқ вақт ўтган ҳолатлар юзасидан давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари томонидан ДЙХХХнинг ҳудудий органларига автотранспорт воситалари ва уларни олиб кирган шахслар бўйича тегишли маълумотлар тақдим этилади.

22. Белгиланган муддатда республика ҳудудидан қайтариб олиб чиқилмаган автотранспорт воситалари тўғрисида давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари томонидан ДЙХХХнинг ҳудудий органларига тақдим этилган маълумотлар ҳар ой якуни бўйича янгиланиб борилади.

23. ДЙХХХнинг ҳудудий органлари томонидан давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари маълумотлари асосида республика ҳудудидан қайтариб олиб чиқилмаган хорижий автотранспорт воситалари аниқланган тақдирда улар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўриш учун уч иш куни мобайнида давлат божхона хизматининг ҳудудий органларини хабардор қиладилар.

24. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» асосида ҳаракатланаётган хорижий автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикасининг ваколатли идоралари томонидан мусодара қилинган ҳолларда, унга расмийлаштирилган «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» ваколатли органларнинг тегишли қарори асосида расмийлаштирган божхона пости томонидан назоратдан ечилади.

25. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» асосида ҳаракатланаётган хорижий автотранспорт воситаси енгиб бўлмас куч ёки йўл-транспорт ҳодисаси юз бериши натижасида фойдаланишга мутлақо яроқсиз ҳолга келганда, унга расмийлаштирилган «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» ваколатли органларнинг тегишли ҳужжатлари асосида мажбуриятнома расмийлаштирган божхона пости томонидан назоратдан ечилади.

26. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» асосида ҳаракатланаётган хорижий автотранспорт воситаси «эркин муомалага чиқариш», «вақтинча олиб кириш» ёхуд бошқа божхона режимига расмийлаштирилганда, унга расмийлаштирилган «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» божхона юк декларациясини (кейинги ўринларда БЮД деб юритилади) расмийлаштирган ТИФ божхона пости томонидан назоратдан ечилади.

27. Агар «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида

мажбуриятнома» йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келганда дубликат олиш учун автотранспорт воситаси эгаси (хайдовчиси) автотранспорт воситаси жойлашган ҳудуддаги давлат божхона хизматининг ҳудудий органларига мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатлар билан муурожаат қилади.

28. Давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари томонидан «Авто» ЯААТдан фойдаланган ҳолда олдинги «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома»га ёзилган тегишли маълумотлар ва автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш муддати текширилади. Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш муддати ўтиб кетганлиги аниқланган тақдирда, давлат божхона хизматининг ҳудудий органининг мансабдор шахси томонидан қонун ҳужжатлари асосида тегишли чоралар кўрилади.

29. Кўриб чиқиш якуни бўйича бир иш куни мобайнида давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари томонидан «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» дубликати берилади. «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома»нинг юқори ўнг бурчагига «Дубликат» деб ёзилади ва давлат божхона хизматининг ҳудудий органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари имзоси ва бошқарма муҳри билан тасдиқланади.

### **III. Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситасининг божхона расмийлаштируви ва назорати**

30. Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситасини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишда чиқиш божхона пости ходими томонидан мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома» расмийлаштирилади.

31. «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома»ни расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситаси эгаси (хайдовчиси) томонидан тақдим этилган фуқаролик паспорти, автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси ва оғзаки маълумотлар асос бўлади.

32. «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома» «Авто» ЯААТ дастури орқали икки нусхада чиқиш божхона пости ходими томонидан чоп этилади.

«Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома»нинг биринчи нусхаси чиқиш божхона пости иш юритувида қолади, иккинчи нусхаси эса Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситаси эгасига (хайдовчисига) берилади.

33. Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситаси эгаси (хайдовчиси) «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома»да акс эттирилган маълумотларни текшириб чиқади, тўғрилигини ўз

имзоси билан тасдиқлайди ва автотранспорт воситасини белгиланган муддатда Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб кириш мажбуриятини олади.

34. Чиқиш божхона пости ходими ўз имзоси ва шахсий мухрини қўйиш орқали «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома»ни расмийлаштиради.

35. Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб кирилишида унинг эгаси (ҳайдовчиси) томонидан кириш божхона постига «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома» тақдим этилади.

36. Кириш божхона пости ходими ўз имзоси ва шахсий мухрини қўйиш орқали «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома»ни назоратдан ечади.

37. «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома» расмийлаштирилган Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситасининг юк тортгичи ва тиркама ёки ярим тиркамаси алоҳида олиб кирилган тақдирда, ушбу ҳақида расмийлаштирилган «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома»га кириш божхона пости томонидан тегишли белги қўйилади. Мазкур ҳолатда «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома» Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситасининг юк тортгичи ва тиркама ёки ярим тиркамаси тўлиқ олиб кирилгандан сўнг назоратдан ечилади.

38. Аввал расмийлаштирилган ва назоратда қолиб кетган «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома»си мавжуд бўлган автотранспорт воситасига масалага ойдинлик киритилгунга қадар янги «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома» расмийлаштирилмайди ва назоратдан ечилмайди.

39. Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситаси хорижий давлат ҳудудида бир йил мобайнида умумий ҳисобда уч ойгача божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод этилган ҳолда бўлиши мумкин, халқаро юк ва йўловчи ташишда қўлланиладиган автотранспорт воситаси бундан мустасно.

Халқаро юк ва йўловчи ташишда қўлланиладиган Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситаси хорижий давлат ҳудудида транспорт операцияларини амалга ошириш муддатида, лекин уч ойдан кўп бўлмаган муддатга божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод этилган ҳолда бўлиши мумкин.

40. Бир йил давомида божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод этилган муддат ўтгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситасини хорижий давлат ҳудудига олиб чиқилишида ушбу автотранспорт воситасига товар сифатида олиб чиқилаётган деб қаралади.

41. Мазкур Низомнинг 39-бандида кўрсатилган муддатлар тугагандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши ёки «вақтинча олиб чиқиш» режимига ёхуд «экспорт» божхона режимига расмийлаштирилиши лозим.

42. Мазкур Низомнинг 41-банди талаблари бажарилмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситасини қайтариб кириш муд-

дати ўтган ҳар бир кун учун двигатель ҳажмининг ҳар куб сантиметридан — 0,01 АҚШ доллари миқдорига йиғим ундирилади, халқаро юк ва йўловчи ташишда қўлланиладиган автотранспорт воситаси бундан мустасно.

43. Йиғим:

АҚШ долларида ҳисобланади;

миллий валюта — сўмда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан уларни тўлаш кунда белгиланган курс бўйича тўланади;

божхона постида ёки давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари томонидан ундирилади ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади;

банк квитанцияси асосида кирим қилинади.

44. Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситасини олиб кириш муддатини бузганлик учун тегишли чора кўрилиб, йиғим тўлиқ ундирилгунга қадар автотранспорт воситаси давлат божхона хизматининг ҳудудий органи томонидан вақтинча ушлаб турилади. Автотранспорт воситаси вақтинча ушлаб турилган давр учун йиғим ҳисобланмайди ва ундирилмайди.

Хорижий давлатнинг ваколатли органларининг қарорларига асосан автотранспорт воситаси ёки унинг эгаси (ҳайдовчиси) вақтинча ушлаб турилган давр учун ҳам йиғим ундирилмайди. Бунда божхона постига автотранспорт воситаси ёки унинг эгаси (ҳайдовчиси) ваколатли органлар томонидан ушлаб турилган муддатни тасдиқловчи тегишли давлат органи томонидан тасдиқланган ҳужжат тақдим этилиши лозим.

45. Белгиланган муддатда республика ҳудудига қайтариб олиб кирилмаган Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситалари тўғрисида ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар қайтариб олиб кириш муддатидан 5 кундан ортиқ вақт ўтган ҳолатлар юзасидан давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари томонидан ДЙХХХнинг ҳудудий органларига автотранспорт воситалари ва уларни олиб чиққан шахслар бўйича тегишли маълумотлар тақдим этилади.

46. Белгиланган муддатда республика ҳудудига қайтариб олиб кирилмаган автотранспорт воситалари тўғрисида давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари томонидан ДЙХХХнинг ҳудудий органларига тақдим этилган маълумотлар ҳар ой якуни бўйича янгиланиб борилади.

47. ДЙХХХнинг ҳудудий органлари томонидан давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари маълумотлари асосида республика ҳудудига қайтариб олиб кирилмаган Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситалари аниқланган тақдирда улар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўриш учун уч иши кун мобайнида давлат божхона хизматининг ҳудудий органларини хабардор қиладилар.

48. Хорижий давлат ҳудудида «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома» асосида ҳаракатланаётган Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситаси хорижий давлатнинг ваколатли идоралари томонидан мусодара қилинган ва енгиб бўлмас куч ёки йўл-транспорт ҳодисаси юз бериши натижасида фойдаланишга мутлақо яроқсиз ҳолга

келган ҳолларда, унга расмийлаштирилган «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома» Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган хорижий давлатнинг ваколатли органларининг тегишли ҳужжатлари асосида мажбуриятнома расмийлаштирган божхона пости томонидан назоратдан ечилади.

49. Хорижий давлат ҳудудида «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида мажбуриятнома» асосида ҳаракатланаётган Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситаси «экспорт» ёки «вақтинча олиб чиқиш» божхона режимига расмийлаштирилганда, унга расмийлаштирилган «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» БЮД расмийлаштирган ТИФ божхона пости томонидан назоратдан ечилади.

#### **IV. Божхона чегарасидан товар сифатида олиб ўтилаётган автотранспорт воситасининг божхона расмийлаштируви ва назорати**

50. Товар сифатида Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ва транзит олиб ўтиладиган автотранспорт воситасига «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» расмийлаштирилмайди. Унинг ТИФ ёки чиқиш божхона постига божхона назорати остида етказиб берилишини назорат қилиш учун кириш божхона постида ЮЕБНК ёки ХЙТ китобчаси расмийлаштирилади.

51. Автотранспорт воситаси жисмоний шахслар томонидан товар сифатида олиб кирилганда уларнинг божхона расмийлаштируви автотранспорт воситаси эгасининг доимий яшаш жойида, юридик шахслар томонидан олиб кирилганда эса фаолият ҳудудида жойлашган ТИФ божхона постида амалга оширилади.

52. Товар сифатида олиб кирилган автотранспорт воситаси «эркин муомалага чиқариш» ёки «вақтинча олиб кириш» божхона режимига расмийлаштирилгандан сўнг унинг эгасига ТИФ божхона пости томонидан ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ «Автотранспорт воситасини олиб кириш гувоҳномаси» (кейинги ўринларда «гувоҳнома» деб юритилади) берилади.

ДЙХХХнинг ҳудудий органларида рўйхатга олинмайдиган автотранспорт воситаларига гувоҳнома берилмайди.

53. Гувоҳнома қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга ва тартиб рақамига эга бўлган гербли (махсус) бланкаларда «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади.

54. Автотранспорт воситасини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига «эркин муомалага чиқариш» ёки «вақтинча олиб кириш» божхона режимларига расмийлаштирилган шахслар БЮД расмийлаштирилган кундан сўнг 10 кун муддат ичида автотранспорт воситасини ДЙХХХнинг ҳудудий органларида рўйхатдан ўтказишлари шарт.

55. Рўйхатдан ўтказишда, автотранспорт воситасининг тури, русуми, маркаси давлат божхона хизматининг ҳудудий органи томонидан берилган

гувоҳномада қандай баён этилган бўлса, айнан шу ном билан қайд этилиши лозим.

56. Ўзбекистон Республикасидан товар сифатида олиб чиқилаётган автотранспорт воситасига гувоҳнома расмийлаштирилмайди ҳамда ДЙХХХнинг ҳудудий органларида рўйхатдан чиқариш учун асос БЮД ҳисобланади.

57. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан товар сифатида олиб кирилаётган автотранспорт воситаларини ДЙХХХнинг ҳудудий органларида рўйхатдан ўтказиш учун асос гувоҳнома ҳисобланади.

Ваколатли идоралар томонидан мусодара қилинган автотранспорт воситаларини ДЙХХХнинг ҳудудий органларида рўйхатдан ўтказиш учун гувоҳнома талаб этилмайди.

«Эркин муомалага чиқариш» божхона режимига расмийлаштирилган автотранспорт воситалари учун берилган гувоҳномалар 5 йил давомида, «вақтинча олиб кириш» божхона режимига расмийлаштирилган автотранспорт воситалари учун берилган гувоҳномалар эса вақтинча олиб кириш муддати тугагандан сўнг 3 йил давомида ДЙХХХнинг ҳудудий органларида сақланади.

«Эркин муомалага чиқариш» божхона режимига расмийлаштирилган автотранспорт воситаларининг гувоҳномаларида «автотранспорт воситасини ўзга шахсга фойдаланишга, эгалик қилишга бериш ёки ўзгача равишда ўтказиш чекланади» сўзлари қайд этилган ҳолларда:

5 йил муддат доирасида автотранспорт воситасини ўзга шахсга фойдаланишга, эгалик қилишга бериш ёки ўзгача равишда ўтказиш, БЮДга тегишли ўзгартиришлар киритилгандан ва янги гувоҳнома расмийлаштириб берилгандан сўнг амалга оширилади;

5 йиллик муддат ўтгандан сўнг, БЮДга ўзгартириш киритилмасдан ва янги гувоҳнома расмийлаштирилмасдан қонун ҳужжатлари асосида автотранспорт воситасини ўзга шахсга фойдаланишга, эгалик қилишга бериш ёки ўзгача равишда ўтказиш мумкин.

58. Агар гувоҳнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келганда дубликат олиш учун автотранспорт воситаси эгаси гувоҳноманинг йўқолиши ёки яроқсиз ҳолга келишининг сабабларини кўрсатган ҳолда ушбу гувоҳномани берган ТИФ божхона пости бўйсунадиган давлат божхона хизматининг ҳудудий органига ёзма ариза билан мурожаат қилади. Аризага автотранспорт воситасининг эгаси (хайдовчиси) шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Гувоҳнома дубликатини олиш учун юридик шахс томонидан мурожаат қилинганда, мурожаатнома ушбу юридик шахснинг мухри билан тасдиқланади.

59. Гувоҳноманинг дубликатини бериш тўғрисидаги мурожаатнома келиб тушганда давлат божхона хизматининг ҳудудий органи бошлиғи ёки унинг ўринбосарининг топшириғига асосан йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳномани расмийлаштирган ТИФ божхона пости томонидан бир иш куни мобайнида янги гувоҳнома ёзиб берилади. Берилган гувоҳноманинг юқори ўнг бурчагида «Дубликат» деб ёзилиб, йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган

гувоҳноманинг рақами кўрсатилади ва божхона постининг мансабдор шахси имзоси ҳамда шахсий муҳри билан тасдиқланади.

Йўқолган гувоҳномалар рақамлари бўйича давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари томонидан йўқолганлиги аниқланган кундан сўнг бир иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига маълумот юборилади. Давлат божхона хизматининг ҳудудий органларидан маълумот келиб тушгандан сўнг уч иш куни мобайнида ДЙХХХга тегишли маълумот юборилади.

60. Давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари ДЙХХХнинг ҳудудий органлари билан ҳар чорак якуни бўйича эркин муомалага чиқарилган ҳамда вақтинча олиб кирилган автотранспорт воситалари бўйича маълумотларни солиштирадилар.

61. Давлат божхона хизматининг ҳудудий органи томонидан БЮД рақами, гувоҳнома рақами, автотранспорт воситаси русуми, двигатель, кузов ва шасси рақамлари, автотранспорт воситаси эгаси бўйича маълумотлар рўйхати ҳар чорак якунидан сўнг кейинги ойнинг 15-санасига қадар ДЙХХХнинг ҳудудий органларига тақдим этилади.

62. ДЙХХХнинг ҳудудий органлари давлат божхона хизматининг ҳудудий органларидан маълумот келиб тушгандан сўнг 15 кун муддатда рўйхатда кўрсатилган автотранспорт воситаларини ДЙХХХнинг ҳудудий органларида рўйхатга олинганлигини текшириб чиқиб, натижаси юзасидан давлат божхона хизматининг ҳудудий органига маълумот юборади.

63. Давлат божхона хизматининг ҳудудий органи томонидан тақдим этилган маълумотда кўрсатилган автотранспорт воситаси ДЙХХХнинг ҳудудий органларида рўйхатга олинмаганлиги аниқланган тақдирда ДЙХХХнинг ҳудудий органлари томонидан ушбу автотранспорт воситасини қидириб топиш чоралари кўрилади.

64. Давлат божхона хизматининг ҳудудий органи томонидан тақдим этилган рўйхатда кўрсатилмаган, лекин ДЙХХХнинг ҳудудий органларида рўйхатга олинган хориждан олиб келинган автотранспорт воситалари аниқланган тақдирда, ушбу автотранспорт воситасини республика ҳудудига қонуний олиб кирилганлигига аниқлик киритиш мақсадида автотранспорт воситаси ва унинг эгаси ҳақида маълумотлар ДЙХХХнинг ҳудудий органлари томонидан давлат божхона хизматининг ҳудудий органларига тақдим этилади.

65. Мазкур боб талаблари чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан товар сифатида олиб кириладиган автотранспорт воситаси учун ҳам татбиқ этилади.

## V. Якуний қоида

66. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.»;

ж) VI — VIII-боблар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

з) 1 ва 2-иловалар ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ тахрирда баён этилсин;

и) ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 3, 4 ва 5-иловаларига мувофиқ тахрирдаги 3, 4 ва 5-иловалар билан тўлдирилсин.

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
1-ИЛОВА

«Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида М А Ж Б У Р И Я Т Н О М А

\_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ -сон  
(пост коди) (тўлдириш санаси) (тартиб рақами)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бўлишнинг бутун даври мобайнида сақланади ва чиқиш божхона постига тақдим этилади. Керакли жавоб тегишли рамкада «X» белгиси билан қайд этилади.

#### 1. Автотранспорт воситасининг эгаси

(ҳайдовчиси) тўғрисидаги маълумотлар:

Фамилияси: \_\_\_\_\_

Исми: \_\_\_\_\_

Отасининг исми: \_\_\_\_\_

Паспорт серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган: \_\_\_\_\_

Ҳаракатланиш тури:

Кириш

Транзит

доимий истиқомат мамлақати, рўйхатга олинган манзили

\_\_\_\_\_ фуқаролиги

\_\_\_\_\_ қайси мамлакатдан келди (жўнаш мамлақати кўрсатилади)

\_\_\_\_\_ қайси мамлакатга кетаяпти (бориш мамлақати кўрсатилади)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

Келиш мақсади ва Ўзбекистон Республикасида бўлиш ҳудуди: \_\_\_\_\_

**2. Автотранспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар:**

Давлат рақами _____	Тиркама/ярим тиркама давлат рақами _____
Русуми _____ ранги _____	Рўйхатдан ўтган давлат _____
Тури: енгил <input type="checkbox"/> юк <input type="checkbox"/> автобус <input type="checkbox"/>	Двигатель рақами _____ Хажми _____
Шасси рақами _____	Кузов рақами _____
Ишлаб чиқарилган йили _____	Автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси рақами _____

**3. Автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, кўп марталаб ишлатиладиган идишлар ва упаковкалар тўғрисидаги маълумотлар:**

№	Номи	Миқдори	Қиймати	Идентификация рақами
1.				
2.				

Автотранспорт воситасини қайта олиб чиқиб кетиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши тўғрисида огоҳлантирилдим. Ушбу мажбуриятномада акс эттирилган маълумотлар тўғрилигини тасдиқлайман.

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача Ўзбекистон Республикасидан

олиб чиқиб кетиш мажбуриятини оламан: \_\_\_\_\_  
(Автотранспорт воситасининг эгаси (ҳайдовчиси) Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ (имзо)

Кириш божхона пости : _____	Чиқиш божхона пости : _____
Расмийлаштириш санаси: _____	Расмийлаштириш санаси: _____
Инспектор: _____	Инспектор: _____

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
2-ИЛОВА

«Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида  
М А Ж Б У Р И Я Т Н О М А  
(Юк тортғич учун)**

\_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ -сон  
(пост коди) (тўлдириш санаси) (тартиб рақами)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бўлишнинг бутун даври мобайнида сақланади ва чиқиш божхона постига тақдим этилади. Керакли жавоб тегишли рамкада «Х» белгиси билан қайд этилади.

**1. Автотранспорт воситасининг эгаси**

**(ҳайдовчиси) тўғрисидаги маълумотлар:**

**Фамилияси:** \_\_\_\_\_

**Исми:** \_\_\_\_\_

**Отасининг исми:** \_\_\_\_\_

**Паспорт серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган:** \_\_\_\_\_

**Ҳаракатланиш тури:**

**Кириш**

**Транзит**

доимий истиқомат мамлақати, рўйхатга олинган манзили

\_\_\_\_\_ фуқаролиги

\_\_\_\_\_ қайси мамлақатдан келди (жўнаш мамлақати кўрсатилади)

\_\_\_\_\_ қайси мамлақатга кетаяпти (бориш мамлақати кўрсатилади)

Келиш мақсади ва Ўзбекистон Республикасида бўлиш ҳудуди: \_\_\_\_\_

**2. Автотранспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар:**

Давлат рақами _____	Двигатель рақами _____ Ҳажми _____
Русуми _____ ранги _____	Кузов рақами _____
Рўйхатдан ўтган давлат _____	Шасси рақами _____
Ишлаб чиқарилган йили _____	Автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси рақами _____

**3. Автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, кўп марталаб ишлатиладиган идишлар ва упаковкалар тўғрисидаги маълумотлар:**

№	Номи	Миқдори	Қиймати	Идентификация рақами
1.				
2.				

Автотранспорт воситасини қайта олиб чиқиб кетиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши тўғрисида огоҳлантирилдим. Ушбу мажбуриятномада акс эттирилган маълумотлар тўғрилигини тасдиқлайман.

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача Ўзбекистон Республикасидан

олиб чиқиб кетиш мажбуриятини оламан: \_\_\_\_\_  
(Автотранспорт воситасининг эгаси (ҳайдовчиси) Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ (имзо)

<b>Кириш божхона пости :</b> _____	<b>Чиқиш божхона пости :</b> _____
<b>Расмийлаштириш санаси:</b> _____	<b>Расмийлаштириш санаси:</b> _____
<b>Инспектор:</b> _____	<b>Инспектор:</b> _____

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
3-ИЛОВА

«Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида  
М А Ж Б У Р И Я Т Н О М А**  
(Тиркама ёки ярим тиркама учун)

\_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ -сон  
(пост коди) (тўлдириш санаси) (тартиб рақами)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бўлишнинг бутун даври мобайнида сақланади ва чиқиш божхона постига тақдим этилади. Керакли жавоб тегишли рамкада «Х» белгиси билан қайд этилади.

**1. Автотранспорт воситасининг эгаси**

(ҳайдовчиси) тўғрисидаги маълумотлар:

Фамилияси: \_\_\_\_\_

Исми: \_\_\_\_\_

Отасининг исми: \_\_\_\_\_

Паспорт серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган: \_\_\_\_\_

Ҳаракатланиш тури:

Кириш

Транзит

доимий истиқомат мамлақати, рўйхатга олинган манзили

\_\_\_\_\_ фуқаролиги

\_\_\_\_\_ қайси мамлақатдан келди (жўнаш мамлақати кўрсатилади)

\_\_\_\_\_ қайси мамлақатга кетаяпти (бориш мамлақати кўрсатилади)

Келиш мақсади ва Ўзбекистон Республикасида бўлиш ҳудуди: \_\_\_\_\_

**2. Автотранспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар:**

Давлат рақами _____	Шасси рақами _____
Русуми _____ ранги _____	Автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси рақами _____
Рўйхатдан ўтган давлат _____	
Ишлаб чиқарилган йили _____	

**3. Автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, кўп марталаб ишлатиладиган идишлар ва упаковкалар тўғрисидаги маълумотлар:**

Автотранспорт воситасини қайта олиб чиқиб кетиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши тўғрисида огоҳлантирилдим. Ушбу мажбуриятномада акс эттирилган маълумотлар тўғрилигини тасдиқлайман.

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиш мажбуриятини оламан: \_\_\_\_\_  
(Тиркамани ёки ярим тиркамани божхона чегараси орқали олиб кирган ҳайдовчининг Ф.И.О.) (имзо)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиш мажбуриятини оламан: \_\_\_\_\_  
(Тиркамани ёки ярим тиркамани қабул қилиб олган шахснинг Ф.И.О.) (имзо)

**Божхона пости \_\_\_\_\_ Инспектор \_\_\_\_\_**

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиш мажбуриятини оламан: \_\_\_\_\_  
(Тиркамани ёки ярим тиркамани божхона чегараси орқали олиб чиқадиган ҳайдовчининг Ф.И.О.) (имзо)

**Божхона пости \_\_\_\_\_ Инспектор \_\_\_\_\_**

<b>Кириш божхона пости :</b> _____	<b>Чиқиш божхона пости :</b> _____
<b>Расмийлаштириш санаси:</b> _____	<b>Расмийлаштириш санаси:</b> _____
<b>Инспектор:</b> _____	<b>Инспектор:</b> _____

«Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириладиган транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги худудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
4-ИЛОВА

«Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**Автотранспорт воситасини қайтариб олиб кириш тўғрисида  
М А Ж Б У Р И Я Т Н О М А**

\_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ -сон  
(пост коди) (тўлдириш санаси) (тартиб рақами)

Хорижий давлат худудида бўлишнинг бутун даври мобайнида сақланади ва кириш божхона постига тақдим этилади. Керакли жавоб тегишли рамкада «Х» белгиси билан қайд этилади

**1. Автотранспорт воситасининг эгаси (ҳайдовчиси) тўғрисидаги маълумотлар:**

**Фамилияси:** \_\_\_\_\_  
**Исми:** \_\_\_\_\_  
**Отасининг исми:** \_\_\_\_\_  
**Паспорт серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган:** \_\_\_\_\_

донний истиқомат мамлақати, рўйхатга олинган манзили

\_\_\_\_\_ фуқаролиги

\_\_\_\_\_ қайси мамлақатга кетяпти (бориш мамлақати кўрсатилади)

Кетиш мақсади \_\_\_\_\_

**2. Автотранспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар:**

Давлат рақами _____	Тиркама/ярим тиркама давлат рақами _____
Русуми _____ ранги _____	Рўйхатдан ўтган давлат _____
Тури: енгил <input type="checkbox"/> юк <input type="checkbox"/> автобус <input type="checkbox"/>	Двигатель рақами _____ Ҳажми _____
Шасси рақами _____	Кузов рақами _____
Ишлаб чиқарилган йили _____	Автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси рақами _____

**3. Автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, кўп марталаб ишлатиладиган идишлар ва упаковкалар тўғрисидаги маълумотлар:**

№	Номи	Миқдори	Қиймати	Идентификация рақами
1.				
2.				

Автотранспорт воситасини қайта олиб кириш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши тўғрисида огоҳлантирилдим. Ушбу мажбуриятномада акс эттирилган маълумотлар тўғрилигини тасдиқлайман.

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача Ўзбекистон Республикасидан

қайта олиб кириш мажбуриятини оламан: \_\_\_\_\_  
(Автотранспорт воситасининг эгаси (ҳайдовчиси) Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ (имзо)

Чиқиш божхона пости : _____	Кириш божхона пости : _____
Расмийлаштириш санаси: _____	Расмийлаштириш санаси: _____
Инспектор: _____	Инспектор: _____

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
5-ИЛОВА

«Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

**АА 000000-сон\***

**АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСЕНИ ОЛИБ  
КИРИШ ГУВОҲНОМАСИ (ИМ40/0)**

**АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСЕНИ ОЛИБ  
КИРИШ ГУВОҲНОМАСИ (ИМ40/1)**

**АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСЕНИ ВАҚТИНЧА  
ОЛИБ КИРИШ ГУВОҲНОМАСИ (ИМ31)**

---

(божхона органи номи)

Мазкур гувоҳнома қуйидаги автотранспорт воситасини тасдиқлайди:

Тури, русуми \_\_\_\_\_

Ишлаб чиқарилган йили \_\_\_\_\_

Эксплуатация муддати ва қанча масофани босиб ўтганлиги \_\_\_\_\_

Двигатель ҳажми \_\_\_\_\_ Двигатель қуввати (киловатт ёки от қучи) \_\_\_\_\_

Юк қўтариш қобилияти \_\_\_\_\_ Ўриндиклар сони \_\_\_\_\_

Идентификация рақами \_\_\_\_\_ Кузов рақами \_\_\_\_\_

Двигатель рақами \_\_\_\_\_ Шасси рақами \_\_\_\_\_

51 (603)-сон

— 91 —

679-модда

ТИФ ТН коди \_\_\_\_\_

Божхона юк декларациясининг  
тартиб рақами \_\_\_\_\_

Божхона қиймати \_\_\_\_\_

Тақдим этилган ҳужжатларга кўра қиймати \_\_\_\_\_

Автотранспорт воситаси эгаси тўғрисидаги маълумотлар:

\_\_\_\_\_ (автотранспорт воситаси эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ (яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили))

Божхона органининг белгилари учун \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (автотранспорт воситаси вақтинча олиб қирилганда)

\_\_\_\_\_ божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар берилганда, автотранспорт воситаси ўзга шахсга фойдаланишга,

\_\_\_\_\_ эгалик қилишга бериш ёки ўзгача равишда ўтказишга чеклов қўйилганда кўрсатилади)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

М.Ў. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (божхона органи мансабдор шахсининг имзоси)

Гувоҳномани олдим \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (автотранспорт воситаси эгасининг имзоси ёки унинг вакилининг фамилияси,  
исми ва отасининг исми)

\* Автотранспорт воситасини (вақтинча) олиб кириш гувоҳномаси ўзбек ва рус тилларида чоп этилиши мумкин.»